



015 у.р. "10" март

№ 307-К

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан «Тахмина savdo» масъулияти чекланган жамиятига кўмир (брикет) ва гишт плиткалар ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 9 январдаги 2 рақамли баённомаси, «Қишлоққурилишлойиха» масъулияти чекланган жамияти бош лойиха кидирув институтининг 2014 йил 17 сентябрдаги 9-14/434-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2014 йил 6 ноябрдаги 1530-сонли хулосаси, «Тахмина savdo» масъулияти чекланган жамиятини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 9 январдаги 2 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 670 контуридан «Тахмина savdo» масъулияти чекланган жамиятига кўмир (брикет) ва гишт плиткалар ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. «Тахмина savdo» масъулияти чекланган жамияти кўмир (брикет) ва гишт плиткалар ишлаб чиқариш цехлари бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси

(О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров